



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMYJ JURNALI



КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ (Ўзбекистон темир йўллари" АЖ мисолида)

Ризаев Нурбек Кодирович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси пофессори

Абдиева Наргиза Шухратовна

Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети доценти, иқтисодиёт фанлари доктори

Куватова Дилнора Қахрамоновна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 08.01.2024

Қабул қилинган вақти: 07.02.2024

Таянч сўз ва иборалар: ички аудит, бошқарув, корхона, ички аудит режаси, дастури, ички аудит ши сифати, ички аудит стандарти.

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ички аудитнинг аҳамияти ва зарурияти, унда қўлланиладиган стандартлар, ичик аудитни режалаштириш, ички аудит текширувлари сифатини ошириш, ички аудит ҳисоботларини тузиш масалалари юзасидан илмий хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Шунингдек, ички аудитда ички назорат методларини амалга ошириш, фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, ички аудит текширувларида таҳлилий амалларни кўллаш, ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш бўйича фикрлар билдириб ўтилган.

THE NEED AND IMPORTANCE OF INTERNAL AUDIT IN ENTERPRISES (In the example of Uzbekistan Railways JSC)

Rizaev Nurbek Kodirovich

Professor of the Academy of Banking and Finance of the Republic of Uzbekistan

Abdieva Nargiza Shuhratovna

Associate Professor, Doctor of Economics, Tashkent State University of Economics

Kuvatova Dilnora Kaxramonovna

Student of the Academy of Banking and Finance of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Received: 08.01.2024

Accepted: 07.02.2024

Key words: *internal audit, management, enterprise, internal audit plan, program, internal audit work quality, internal audit standard.*

Abstract

In this article, the importance and necessity of internal audit in Uzbekistan, the standards used in it, planning of internal audit, improvement of the quality of internal audit inspections, preparation of internal audit reports, scientific conclusions and suggestions are formed. Also, opinions were expressed on implementation of internal control methods in internal audit, detection and elimination of fraud cases, application of analytical procedures in internal audit inspections, improvement of internal control system efficiency evaluation process.

Кириш

Глобаллашув жараёни корхоналарда бошқарув самарадорлигини оширишининг энг самарали омилларидан бири сифатида корпоратив бошқарув механизмининг амалий фаолиятини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш эканлигини исботлади. Иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган, турли хил иқтисодий муносабатларни бирлаштирувчи механизм сифатида акциядорлик жамиятларида бошқарувни самарали ташкил этиш модернизациялашган иқтисодиётнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг ривожланиши кузатилаётган шароитда Ўзбекистонда самарали бошқарувга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу эҳтиёжнинг юзага келишига хусусийлаштириш натижасида акциядорлар, мулк эгалари, менежерлар мақсад ва манфаатлари бирбиридан фарқ қилиши сабаб бўлмоқда. Бошқарувнинг аҳамияти унинг акциядорлик жамиятларининг самарали ишлашини таъминлаш, акциядорлар ва бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бизнеснинг барқарор ривожланиш учун шароит яратиш қобилияти билан изоҳлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этади ҳамда бошқарувнинг самарали ташкил этилишида эса ички аудитнинг аҳамияти катта.

Адабиётлар шарҳи

“Ички аудит акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият самарадорлигини, шунингдек қонунларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолиятни мустақил ва объектив баҳолаш тизими бўлиб ҳисобланади” (Костикова, 2014).

Ички аудит бошқарув органларига акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ ҳолисона маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Шунингдек, у акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлиги ва обрўсига таъсир қилиши мумкин бўлган потенциал риск ва муаммоларни аниқлашга ёрдам беради.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилнинг охирида акциядорлик жамиятлари сони 600 тага этиб, улардан 234 таси давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларидир” (Нуралиев, 2023).

Мамлакатимизда охирги йилларда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга катта урғу берилган бўлиб, иқтисодиётга “тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқарища акциядорлар ролини қучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий

корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони қабул қилинди” (ПФ-4720, 2015). Ушбу фармон корпоратив бошқарувни ташкил этиш, кулай шартшароитлар яратишга қаратилган хукуқий нормаларни янада такомиллаштиришга асос бўлди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳам корпоратив бошқарувни такомиллаштириш мақсадида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш мақсадида иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш вазифасини амалга ошириш механизмларидан бири қилиб молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимлари белгиланган” (ПФ-60, 2022).

Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувни тизимида ички аудитнинг аҳамиятига баҳо бериш корпоратив бошқарув тушунчасини ўрганишни талаб этади.

Корхоналарнинг бошқарув тизимида ички аудитнинг аҳамияти шундан иборатки, у бошқарувни мониторинг қилишнинг зарур воситаси бўлиб, бизнес жараёнлар билан боғлиқ рискларни тўғри баҳолашни, АЖни бошқарища тўғри қарорларни қабул қилишини, молиявий ва бошқарув ҳисобини тўғри юритилишини, фаолиятнинг норматив хужжатларга мувофиқ юритилиши, ахборот хавфсизлигини таъминлайди. Бу, шунингдек, инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг ишончини оширишга ёрдам беради.

Дж.Джонсон “молиявий назоратни яхшилаш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва бартараф этиш, харажатларни камайтириш ва таваккалчиликни бошқариш жараёнларини яхшилашга олиб келган ички аудиторнинг корпоратив бошқарув тизимида муваффақиятли жорий этилгани мисолида изланиш олиб борган бўлиб, тадқиқот натижалари корпоратив бошқарувда ички аудитнинг ролининг муҳимлигини таъкидлайди. У олиб борган илмий тадқиқот натижасида ички аудитнинг тўғри амалга оширилиши бизнес самарадорлигини сезиларли даражада яхшилашини исботлаган. Бунда муаллиф ички аудитнинг мустақиллиги ва барча керакли маълумотларга эга бўлиши унинг самарадорлигига таъсир қилишини изоҳлаган.

Муаллиф ички аудит фаолиятини такомиллаштириш бўйича унинг ваколатларини ошириш, ҳисобот бериш тизимини ва компания раҳбарияти билан алоқани такомиллаштириш, ички аудиторларни тайёрлаш ва малакасини оширишини такомиллаштириш каби бир қанча тавсиялар берган” (Jonson J, 2010).

К.Хансен, С.Нилсен “корпоратив бошқарувда ички аудитнинг ролига бағишлиланган 100 дан ортиқ илмий

мақолани таҳлил қилиб, муаллифлар ички аудит компанияни самарали бошқаришга ва корпоратив ахлоқ қоидаларига риоя қилишга қандай ҳисса кўшиши мумкинлигини ўрганган, улар ички аудит фирибгарликни олдини олиш, рискларни камайтириш ва бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган муҳим корпоратив бошқарув воситаси", деган холосага келишди (Xansen K., Nilsen S.2012).

Тадқиқотчилар, шунингдек, ички аудит компания ичидағи бошқа функциялардан мустақил бўлиши ва ўз вазифаларини бажариш учун етарли ресурслар ва ваколатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. К.Хансен ва С.Нилсен ички аудит умумий корпоратив бошқарув тизимиға интеграция қилиниши, ташқи аудит ва рискларни бошқариш каби бошқа функциялар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши керак деган холосага келиб, фақат шу тарзда компания ўз фаолиятида максимал самарадорликка эришиши ва барча манфаатдор томонларнинг узоқ муддатли фаровонлигини таъминлаши мумкинлигини таъкидлайди.

Ли Ю. илмий изланишининг асосий мазмуни шундан иборатки, "ички аудит стратегик режалаштириш, рискларни бошқариш ва жараён мониторингига асосланган бўлса, янада самарали ва натижавий бўлиши мумкин. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ички аудит самарадорлигини ошириш учун ички аудиторлар ва компания раҳбарияти ўртасидаги алоқа сифатини ошириш, шунингдек, ички аудиторларнинг малака ва билимларини ошириш зарур. Шунингдек, янги технологияларни жорий этиш ички аудит самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкинлиги аниқланди" (Lee Yu. 2013).

Р.Льюис "корпоратив бошқарувдаги энг яхши ички аудит амалиётларини ўрганган. У ички аудит бўлими раҳбарлари ўртасида ўрганиш ўтказган ва қуйидаги натижаларга эришган:

1. Ички аудит ўз фаолиятида холисликни таъминлаш учун ташкилот ичидаги мустақил мақомга эга бўлиши керак;

2. Ташкилотнинг мақсадлари ва эҳтиёжларига мос келадиган яхши ишлаб чиқилган ички аудит стратегиясига эга бўлиши муҳимdir;

3. Ички аудит бўлимлари раҳбарлари ўз вазифаларини самарали бажариш учун етарли даражада малака ва билимга эга бўлиши керак;

4. Ички аудит ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборот ва ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак;

5. Ички аудит текширув сифатини таъминлаш учун сифат назорати тизимиға эга бўлиши керак;

6. Ички аудит ташкилот ичидаги мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлаш учун бошқа рискларни бошқариш функциялари билан алоқага эга бўлиши керак" (Lyuuis, R. 2014).

Льюис Р. тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ички аудитнинг энг яхши амалиётлари мустақиллик, стратегия, ваколатлар, ресурслардан фойдаланиш, сифат назорати ва бошқа рискларни бошқариш функциялари билан боғланишни ўз ичига олади. Ушбу

омиллар ташкилотда ички аудитнинг самарадорлиги таъминлашга ёрдам беради.

М.Сандерс ва Д.Шорт ички аудит ва корпоратив бошқарув ўртасидаги муносабатлар бўйича тадқиқот олиб бориб, ички аудит корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва компаниялар учун рискларни камайтиришда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини аниқладилар.

Хусусан, муаллифлар "кучли ички аудитга эга бўлиш бошқарувнинг юқори даражадаги жавобгарлиги, молиявий ҳисботларнинг яхшиланиши ва ички жараёнларининг самарали назорати билан боғлиқлигини аниқладилар. Шунингдек, ички аудит тизими ривожланган компанияларнинг обрўси ва инвесторлар учун жозибадорлиги юқори эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, мақолада самарали корпоратив бошқарув ва компанияларнинг муваффақиятли ишлаши учун ички аудитнинг муҳимлиги таъкидланган" (Sanders, M., Short, D. 2015).

К.Б.Аҳмеджонов илмий изланишларида ички аудит хизматини самарали ташкил этиш бўйича ички аудитор хизмати фаолиятини режалаштириш ва якуний аудиторлик ҳисботини тайёрлаш, ички аудит стандартларини такомиллаштириш, ички аудит ваколатларини тақсимлаш жараёнини такомиллаштириш ва аудит натижаси ишончлилигини янада оширишга йўналтирилган илмий таклифлар асосланган бўлиб, ушбу олим "ички аудитни - хўжалик юритувчи субъектларида молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган объектив кафолат ва маслаҳатлар берувчи мустақил тизим ҳисбланиб, ички аудитни бухгалтерия маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш ва корхонада самарали ички назорат тизимини ташкил этишга йўналтирилган фаолият сифатида изоҳлаган" (Аҳмаджанов, 2016).

Илхомов Ш."ички аудитни бошқарув назоратининг ажралмас ва муҳим элементи сифатида талқин этади" (Ильхомов, 2018).

Каримов Н.Ф. "ички аудит корпоратив бошқарув, назорат ҳамда рискларни бошқаришни баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга нисбатан тизимга солинган ва пухта ташкил этилган ёндашув орқали кўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради, деб таъкидлаган" (Каримов, 2006).

Професор С.Мехмоновнинг диссертация ишида "бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг ташкилий-амалий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу олим ички аудитни ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик хужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисбот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш, бюджет-смета интизомига риоя қилиш, маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолият сифатида таърифлайди" (Мехмонов, 2018).

А.Н.Тұраев “ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни, ички аудит хизмати фаолиятининг ишчи хужжатлари, ички аудитнинг сифатини ички аудит хизмати иш натижалари бүйіч таҳлилий, ички аудит үйімдегі ҳисоботини такомиллаштириш йұналишлари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу олим ички аудитни ички аудит рискларни бошқариш, ички назорат тизимларининг ишончлилиги ва самарадорлигини, жумладан, корпоратив бошқарув амалиётини ички назорат соҳасидаги умумқабул қилинган халқаро ва миллий стандартлари асосида мунтазам ва мустақил равишда баҳолаш учун ташкил этилган фаолият сифатида таърифлаган” (Тұраев, 2019).

Умуман олганда ҳар бир фаолият каби, ички аудит мақсад ва вазифаларининг аниқлаштирилиши унинг фаолияти натижавийлигини оширади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб қўйидаги таъриф шакллантирилди: “Ички аудит – бошқарувнинг муҳим воситаси бўлиб, жамият ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолаш, рискларни бошқариш ҳамда ташкилот олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишини таъминлайди”.

Корхона молиявий – хўжалик фаолияти назорати ва таҳлилининг самарадорлиги бевосита ички аудит хизматини самарали ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Ушбу фаолиятга асос солиши тўғрисида қарор қабул қилганда корхона бошқаруви ички аудиторлар фаолиятининг тартибга солинишига алоҳида эътибор қаратиши керак бўлади. Яъни корхонанинг ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни корхона фаолиятини ва хусусиятларини эътиборга олган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Ички аудит хизмати шундай ташкил қилиниши керакки, у корхонанинг тартиб ва қоидаларига мувофиқ равишда барча жараёнларини текширучи, таҳлил қилувчи ва баҳоловчи мустақил ажралмас таркибий қисми бўлиши керак.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда ички ауди ва ички назоратни амалга оширишда қўйидаги методларга эътибор қаратилди, жумладан, аудитнинг инструментлари сифатида сўровномалар, анкеталар, назорат амаллари рўйхати, 8D методи, 5Why методи, Иsicava диаграммаси каби инструментларни мисол қилиш мумкин. Ички аудит жараёнида ушбу инструментларни кўллаш аудиторлик далилларини олиш ва аудит обьекти ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш имконини беради. Инструментларнинг қай бирини танлаш, текширув мақсад ва ҳажми доирасидан келиб чиқиб белгиланади.

Маълумки, сўровномалар, халқаро амалиётда “Checklist” кенг тарқалган аудиторлик инструментларидан бири бўлиб, аудит обьектидан келиб чиқиб, саволлар рўйхатидан иборат бўлади. Ушбу саволларга берилган жавоблар текширилаётган жараён ёки фаолият ҳолати тўғрисида ахборот беради. Сўровнома натижасида

аниқланган хато ва камчиликлар асосида аудит ҳажмини қисқартиришга ёрдам беради.

Назорат амаллари рўйхати аудитор томонидан бажарилган назорат турлари рўйхатидан иборат бўлади ва назорат амаллари рўйхати тўлдирилганлиги текширув ўтказилганидан далолат беради.

“8D (8 та ҳаракат) методи – бизнес-жараёнлардаги муаммолар, хатоликлар ва оғишлиарни ҳал қилиш учун ишлатилади. Ушбу метод қўйидаги тартибдаги ҳаракатлардан иборат: аудиторлар ва мутахассислардан иборат ишчи гурухини тузиш, муаммони ўрганиш ва тавсифлаш, муаммони бартараф этувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, муаммони юзага келиши асосий, дастлабки сабабларни излаш, муаммони бартараф этиш чораларини кўллаш ва уларни текшириш, профилактика чораларини амалга ошириш ва профилактика чораларини баҳолаш ҳамда ҳисбот бериш.


5Why (5 та “Нима учун”) методи - бу юзага келган номувофиқликларни ички аудиторлар томонидан аниқлашнинг усусларидан бири бўлиб, унинг номланиши берилувчи саволлар сони билан узвий боғлиқ. Бунда хато ва камчиликлар ёки муаммоларнинг юзага келиши сабаби камида 5 та савол орқали аниқланади ҳамда олинган жавоблардан келиб чиққан ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқиласди. Ушбу метод бевосита ва билвосита сабабаларни аниқлаган ҳолда сабаблар “дараҳти”ни шакллантириш орқали муаммога ечим топиш имконияти аниқланади.

“Иsicava диаграммаси – мураккаб, комплекс муаммоларни ечишда кўлланилувчи усул бўлиб, у амалиётда “балиқ скелети” деб ҳам аталади. Яъни бунда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ва унинг юзага келиш сабабларининг ўзаро боғлиқлиги график кўринишда ифодаланади. Иsicava диаграммаси муаммони ҳал қилиш учун қандай ахборот ва билим зарурлигини аниқлашга ва бундан келиб чиқиб, асоссиз қарорлар қабул қилинишининг олдини олишга ёрдам беради”. Ушбу усуслини кўллаш жараёнида ички аудитор муаммони ва уни юзага келтирувчи сабабларни аниқлаш мақсадида аудиторлик далилларни йиғади. Мазкур метод ички аудиторлар томонидан бизнес-жараёнлар аудитини ўтказишда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот натижалари мухокамаси

Умуман олганда ички аудитнинг самарали корпоратив бошқарув тизимида аҳамияти унинг ташқи аудит, Кузатув кенгаши, юқори ижроия органи билан ўзаро муносабатларида (яъни керакли маълумотга эга бўлиш, уни таҳлил қилиш, ички аудит натижалари бўйича үйімдегі ҳисбетни Кузатув Кенгашига тақдим қилиш, номувофиқликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳоказо) қўйидаги расм орқали намоён қиласиз (1-расм). Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, АЖда Аудит қўмитаси ташкил қилинган

пайтда ички аудит хизмати фаолияти назоратини мазкур қўмита бажаради.



1-расм. Самарали корпоратив бошқарув тузилмаси¹.

Корпоратив бошқарувнинг самарали фаолият юритишида унинг ташкилий тузилмаси муҳим аҳамият касб этади. Масалан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Ўзбекистон Республикаси учун стратегик аҳамиятга эга бўлган замонавий транспорт-логистика ташкилоти бўлиб, у мамлакат транспорт тизимининг юк айланмаси 30% дан ортигини(2-ўринда) ва йўловчи айланмасининг деярли 1 % ини

(3-ўринда) бажаради.

Ижтимоий ҳамда иқтисодий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу ташкилотнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва самарадорлиги мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу кўрсаткичларни барқарорлигини таъминлашда ички аудитнинг самарали ташкил этилиши катта аҳамият касб этади.

1-жадвал

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖга тегишли статистик маълумотлар²

№	Асосий кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	Фарқи %
1.	Жўнатилган юк, млн.тонна	72,03	73,36	101,8
2.	Ташилган юк, млн.тонна	24,6	24,9	101,2
3.	Юк айланмаси, млрд.км/тоннаси	98,7	100,1	101,4
4.	Йўловчилар айланмаси, млн.км/йўловчи	3,06	3,5	114,4
5.	Ташилган йўловчилар, млн. одам	7,95	9,01	113,3
6.	Жўнатилган йўловчилар, млн. одам	7,97	9,14	114,7
7.	Умумий ишчи-ходимлар сони, минг одам	87,614	79,421	90,6
8.	Янги ташкил этилган иш жойлари	540	2 000	370,4
9.	Даромадлар, млрд.сўм	10 493,3	11 411,3	108,7
10.	Эксплуатацион темир йўл узунлиги, км	4732,8	4726,1	99,9
11.	шу жумладан электрлаштирилган йўл, км	1929,2	1933,9	100,2

Ўзбекистон Республикасининг энг йирик акциядорлик жамиятларидан бири бўлган "Ўзбекистон темир йўллари" Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган собиқ Ўрта Осиё темир йўллари базасида 1994 йил 7 ноябрда ташкил топган. Бугунги кунда умумий темир йўл узунлиги 4726,1 км.ни ташкил этиб, жамиятда 79,4 мингдан

ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади. Шунингдек "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ 2022 йилда юк айланмаси ва йўловчи айланмасини 2021 йилга нисбатан тегишли равишда 1,4% ва 14,4% га ошиқ бажарган(1-жадвал).

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ акциядорлик капитали мамлакат ЯИМда улуши 2017 йилда 3,3%,

¹ Муаллиф ишланмаси

² <https://railway.uz/-> "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ расмий сайти маълумотлари

2018 йилда 3,6% ни, 2019 йилда 3%, 2020 йилда 2,8 % ва 2021 йилда 2,3%ни ташкил қилиб, ушбу жамиятда корпоратив бошқарувнинг самарали ташкил

етилиши, мамлакат иқтисодиётига аҳамиятли даражада таъсир қиласи.

2-жадвал.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ўзбекистон Республикаси ЯИМда улуши таҳлили³

№	Кўрсаткич	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Ўзбекистон Республикаси ЯИМ (трлн.сўм)	302,5	407,5	524	580,2	734,6
2.	“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик капитали (трлн.сўм)	10,12	14,77	15,99	16,15	16,94
3.	“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик капитали мамлакат ЯИМ да улуши (%)	3,3%	3,6%	3%	2,8%	2,3%

Бугунги кунда жамиятига қарашли 70дан ортиқ ташкилотлар фаолият юритмоқда. Шу билан бир қаторда акциядорлик жамиятларида аудит қўмитаси фаолият юритиши белгиланган бўлиб, ушбу ички назорат турларининг фарқларини кўриб чиқамиз. Шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига асосан “акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варафига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир” (ЎРҚ-370, 2014).

Демак, Аудит қўмитаси ҳам ички назоратнинг бир тури бўлиб, ташкилотда ички аудит хизмати,

Аудит қўмитаси ва тафтиш комиссияси мавжуд ҳолатларда улар фаолиятининг фарқли жиҳатлари иловада келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Жамиятда ички назорат сифатида ички аудит, тафтиш комиссияси, Аудит Қўмитасининг фаолияти, белгиланган мақсад ва вазифалари, жавобгарлик ва бошқа жиҳатлар билан фарқланади.

Ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири – бу унинг мустақиллигидир. Ички аудиторларнинг мустақиллиги қўйидагиларда намоён бўлади:

-ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш корхона кузатув кенгашининг қарорларига асосан амалга оширилиши;
-корхона кузатувчи кенгашига бевосита бўйсуниши⁴.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ички аудит хизматини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили⁵.

№	Ҳужжат номи	Белгиланган талаблар
1.	Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонуни	Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматининг ташкил этиши талаблари, ички аудитнинг ҳисобдорлиги, жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилиши кутилаётган битимлар, ички аудит вазифалари.
2.	Корхоналардаги ички аудит тўғрисидаги низом	Ички аудит хизматининг асосий вазифалари, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, ички аудит хизматига қўйилган талаблар
3.	Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом	Сертификат олиш учун малака талаблари, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, сертификат олиш учун имтиҳон топшириш бўйича талаблар, сертификатнинг расмийлаштирилиши ва берилиши, сертификатнинг амал қилишининг тутатилиши ва бекор қилиш шартлари
4.	Ички аудитнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартлари	Аудит текширувларини халқаро талаблар даражасида ўтказиш, умумқабул қилинган стандартлардан фойдаланиш

³ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 215-сон карорига 2-илова, 16.10.2006.).

⁵Муаллиф ишланмаси.

5.	Аудиторлар ахлоқ кодекси	Профессионал компетентлик, ишончлилик, мустақиллик, вижданлилик, обьективлик, сир сақлаш тамойили ва бошқалар.
----	--------------------------	--

Шу билан бир қаторда ички аудит хизматининг самарали фаолият юритишида қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

ички аудиторларнинг юқори малакаси, иш стажи, тажрибаси ва професионаллик даражаси;

ички аудиторларнинг малакавий талаблар билан бир қаторда ахлоқий талабларга риоя қилган ҳолда иш юритиши;

ички аудит иш режаси ва графигининг самарали тузилиши;

ички аудиторларнинг иш хужжатларига ҳамда ички аудиторлик ҳисоботининг тузилишига ягона талабларнинг белгиланиши;

ички аудитни дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш ва бошқалар.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида ички аудитнинг такомиллашган моделини қуйидагича изоҳлаш мумкин (2-расм).

Ушбу ички аудитни ташкил қилишда норматив-хуқуқий асослар, АЖ ички Низомлари, ички аудит хизмати ходимлари лавозим йўриқномалари, ички аудитда фирибгарликни аниқлаш ва баҳолаш дастурий таъминоти унинг фаолиятини самарали ташкил этишда муҳимдир. Шунингдек, ички аудит хизматининг ташкилий тузилмаси унинг мустақиллигини таъминлаши муҳим роль ўйнайди.

Ички аудит технологияси, аудиторлик текширувани режалаштириш ва ўтказиш жараёнида намоён бўлади ва бунда аудит инструментлари ёрдамида аудит методлари, амалларни бажариш ва етарли даражада ишончли бўлган аудиторлик далилларини йиғишини ифодалайди.

Аудит инструментлари сифатида сўровномалар, анкеталар, назорат амаллари рўйхати, 8D методи, 5Why методи, Иsicava диаграммаси каби инструментларни мисол қилиш мумкин. Ички аудит жараёнида ушбу инструментларни қўллаш аудиторлик далилларини олиш ва аудит объекти ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш имконини беради. Инструментларнинг қай бирини танлаш, текширув мақсад ва ҳажми доирасидан келиб чиқиб белгиланади.

“Сўровномалар, халқаро амалиётда “Checklist” кенг тарқалган аудиторлик инструментларидан бирি бўлиб, аудит объектидан келиб чиқиб, саволлар рўйхатидан иборат бўлади. Ушбу саволларга берилган жавоблар текширилаётган жараён ёки фаолият ҳолати тўғрисида ахборот беради” (Рукин, 2009). Сўровнома натижасида аниқланган хато ва камчиликлар асосида аудит ҳажмини қисқартиришга ёрдам беради.



Текширув натижаларини таҳлил қилиш ва ички аудит ҳисоботини тайёрлаш



Ички аудиторлик тавсияларининг бажарилиши мониторинги

2-расм. Ички аудитнинг такомиллашган модели⁶

Назорат амаллари рўйхати аудитор томонидан бажарилган назорат турлари рўйхатидан иборат бўлади ва назорат амаллари рўйхати тўлдирилганлиги текширув ўтказилганидан далолат беради (5-жадвал).

“8D (8 та ҳаракат) методи – бизнес-жараёнлардаги муаммолар, хатоликлар ва оғишларни ҳал қилиш учун ишлатилади. Ушбу метод куйидаги тартибдаги ҳаракатлардан иборат:

аудиторлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳини тузиш;

муаммони ўрганиш ва тавсифлаш;

муаммони бартараф этувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

муаммони юзага келиши асосий, дастлабки сабабларни излаш;

муаммони бартараф этиш чораларини қўллаш ва уларни текшириш;

профилактика чораларини амалга ошириш;

профилактика чораларини баҳолаш;

ҳисббот бериш”.

Аудитор ушбу усулдан аудит давомида номувофиқлик сабабини текшириш учун фойдаланади. Мисол учун, мижоз сотиб олинган маҳсулот ёки хизмат сифати, етказиб бериш шартларига оид эътироz билдирган ҳолатларда, раҳбарият томонидан ички аудит ҳизматига аудиторлик текширувни ўтказиш ва номувофиқликнинг бевосита ва билвосита сабабларини аниқлашни буюриши мумкин.

5Why (5 та “Нима учун”) методи - бу юзага келган номувофиқликларни ички аудиторлар томонидан аниқлашнинг усулларидан бири бўлиб, унинг номланиши берилувчи саволлар сони билан узвий боғлиқ. Бунда хато ва камчиликлар ёки муаммоларнинг юзага келиши сабаби камида 5 та савол орқали аниқланади ҳамда олинган жавоблардан келиб чиқсан ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқилади. Ушбу метод бевосита ва билвосита сабабаларни аниқлаган ҳолда сабаблар “дараҳти”ни шакллантириш орқали муаммога ечим топиш имконияти аниқланади.

“Иsicava диаграммаси – мураккаб, комплекс муаммоларни ечишда қўлланилувчи усул бўлиб, у амалиётда “балиқ скелети” деб ҳам аталади. Яъни бунда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ва унинг юзага келиш сабабларининг ўзаро боғлиқлиги график кўринишида ифодаланади. Иsicava диаграммаси муаммони ҳал қилиш учун қандай ахборот ва билим зарурлигини аниқлашга ва бундан келиб чиқиб, асоссиз қарорлар қабул қилинишининг олдини олишга ёрдам беради”. Ушбу усулни қўллаш жараённида ички аудитор муаммони ва уни юзага келтирувчи сабабларни аниқлаш мақсадида аудиторлик далилларни йиғади. Мазкур метод ички аудиторлар томонидан бизнес-жараёнлар аудитини ўтказиша мухим роль ўйнайди.

Фаолияти турли бизнес-жараёнлардан иборат бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати томонидан ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисбланади. Бу каби ички назорат тизимини баҳолаш бугунги кунда нафақат йирик, балки ўрта ва кичик ташкилотлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ички аудитни ўтказиша асосий эътибор компания раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини самарали амалга ошириш, активларнинг сақланишини таъминлаш, ишлатилмай қолган ресурсларни аниқлаш учун қўлланиладиган ташкилий усуллар мажмуаси бўлган ички назорат тизимини баҳолашга берилади. Шунингдек, ички аудит хатолар ва маълумотларнинг бузилишининг олдини олиш, шунингдек ишончли молиявий ҳисбботни ўз вақтида тайёрлашга ёрдам беради.

Ички назорат тизими ва унинг самарадорлигини баҳолаш ички аудит функцияларидан бири бўлиб, акциядорлик жамиятларнинг фаолиятини назорат қилиш йил давомида доимий равишда амалга оширилиши керак. Аммо ўзига хос хусусиятларни ҳисбога олган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат сифати, уни жўнатиш тартиби, мижозлар


⁶ Муаллиф ишланмаси

билин ҳисоб-китоблар, молиявий натижалар ва бошқаларни ўз вақтида назорат қилиш ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш корхона фаолияти самарадорлигининг кафолатидир.

Бундан ташқари, нафақат ишлаб чиқариш фаолияти, балки молиявий фаолият, шунингдек,

инвестицион фаолият ҳам назорат амалларини талаб қиласди.

Шу сабабли корхонанинг ички назорати яхши йўлга қўйилиши ва ушбу соҳанинг мутахассислари томонидан амалга оширилиши натижавийликни оширади.




3-расм. Ички назорат мақсадлари⁷

Шуни таъкидлаш лозимки, ички назоратни самарали ташкил этиш бўйича халқаро даражада тан олинган COSO модели ички назоратни 5 та компонентдан иборат равишда ташкил этилиши ва баҳоланишини талаб этади.

Албатта ҳар бир ташкилот ички назорат тизимини баҳолаш методикасига эга бўлиши ва ушбу методикада ички назорат самарадорлигини баҳолаш тартиби, жараёни, методлари, ички назорат тизимини баҳолаш бўйича масъул ходимлар, мустақил экспертларни жалб қилиш шартлари ва талаблари, ички назорат тизимини баҳолаш муддатлари, ахборот тизими аниқлаштирилиши керак.

Бошқарув қарорларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқарув ҳисботларининг ишончлилигига боғлиқ бўлганлиги сабабли ва ҳисботдаги маълумотларнинг бузилиши бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия регистрларини қайта ишлашдаги хатолар ва ходимларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу ўринда ташқи ва ички омиллар таъсирида ташкилотда ички назорат қанчалик самарали амалга оширилаётганлигини баҳолаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Баҳолаш жараёни бир нечта босқичлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқdir.



4-расм. Ички назорат тизимини баҳолаш босқичлари⁸

Ушбу расмдан кўришимиз мумкинки, ички назорат тизимини баҳолаш учун, аввало, у билан танишиб чиқиш керак бўлади. Мазкур босқичда ташкилот ички Низомлари, буйруқлари, ҳисоб сиёсати

каби ҳужжатларни кўриб чиқиш талаб этилади. Ушбу босқич жараёнида солишириш, таққослаш, назорат, қузатув, оғзаки ва ёзма сўровнома ўтказиш каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

⁷ Муаллиф ишланмаси

⁸ Муаллиф ишланмаси

Иккинчи босқичда ўтказилган сўровнома, ички хужжатлар билан танишув натижасида, ички назорат тизимини дастлабки баҳолаш мумкин. Баҳолаш кўп ҳолларда юқори, ўрта ва паст даражада каби баҳолар билан баҳоланади. Ташкилотнинг ички назорати ҳолати тўғрисида дастлабки (зарурий) маълумотларни олишнинг энг оддий ва самарали усули бу сўровномадир.

Учинчи босқичда ўтказилган баҳолашнинг ишончлилигини тасдиқлаш талаб этилади ва сўнгги босқичда ички аудит хизмати фаолияти ёки ички назорат тизими ташкил этилиши паст даражада баҳоланган ҳолатда, камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш тавсия этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иирик ташкилотларда ички назорат самарадорлигини баҳолаш ички аудит зиммасида бўлиб, баҳолашни камида бир йилда бир марта амалга ошириш тавсия этилади. Шунингдек ярим йиллик натижаларга асосан оралиқ баҳолаш ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ички назорат тизимини баҳолаш методлари сифатида "Сўровнома"лар (чек-лист) қўлланилади. Сўровномалар халқаро амлаиётда ички аудиторлар томонидан ҳам, ташкил аудиторлар томонидан ҳам қўлланилиб келувчи аудиторлик далилларни йиғиш методларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур сўровномада текширув объекти бўйича дастлабки баҳолашни амалга ошириш имконияти юзага келади.

Шу билан бирга COSO моделининг ҳар бир компоненти бўйича сўровномаларни тузиб, ички аудит ички хужжатлари билан, ички назорат тизмини баҳолаш методикаси билан тасдиқлаб қўйиш тавсия этилади.

Ички назорат тизимини баҳолаш жараёни моделнинг ҳар бир компоненти бўйича умумий ўртacha баҳолашдан иборат бўлиб, COSO модели баҳолашни ҳар бир компонент бўйича амалга оширишни талаб этади (1.Назорат муҳити; 2.Рискларни баҳолаш; 3.Назорат амаллари(жараёнлари); 4.Ахборот ва коммуникация; 5.Мониторинг).

4-жадвал

Ички назорат тизимини баҳолаш бўйича сўровнома⁹

№	Саволлар	Жавоб	Текширув натижаси
1.	Ташкилотда ички аудит хизмати мавжудми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
2.	Ташкилотда тафтиш комиссияси тузилганми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
3.	Инвентаризация комиссияси тузилганми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
4.	Инвентаризация ўтказиши режаси тасдиқланганми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
5.	Ташкилотда тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича комиссия тузилганми? Агар тузилмаган бўлса, бу функцияни ким бажаради?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
6.	Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб китобларни ўзаро солиштириш(тақкослаш) ишлари олиб бориладими?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
7.	Моддий жавобгар шахслар билан шартнома тузиладими?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
8.	Ташкилотда ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилганми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ҳисоб сиёсати
9.	Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар ўз вақтида киритиладими?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ҳисоб сиёсати ўрганилади
10.	Хужжатлар айланиш графиги тузилганми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
11.	Бухгалтерия хизмати ходимлари учун лавозим йўриқномалари мавжудми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ички низомлари, буйруқлар ўрганилади
12.	Аналитик ҳисоб маълумотлари синтетик ҳисоб айланмалари ва қолдиқларига мос келадими?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ҳисоб сиёсати ўрганилади
13.	Синтетик ҳисобларнинг қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисоби маълумотларига тўғри келадими?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ҳисоб сиёсати ўрганилади
14.	Ҳисоб сиёсатида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот(ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблаш усули танланганми?	Ҳа (Йўқ)	Ташкилот ҳисоб сиёсати ўрганилади

⁹Муаллиф ишланмаси

Биз ушбу компонентлар бўйича ички назорат тизимини баҳолаш методикасини кўйидагича таклиф этамиз.

5-жадвал

Компонентлар бўйича ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш¹⁰.

Компонентлар	Максимал баллдаги улуши	Максимал балл	Ички назорат тизими самарадорлиги
1.Назорат мухити			
1.1 Ташкилий тузилма	25%		
1.2.Ички меъёрий ҳужжатлар	25%		
1.3 Ахлоқ меъёрлари	25%		
1.4.Кадрлар сиёсати	25%		
2. Рискларни баҳолаш			
2.1.Рискларни бошқариш тизими	50%		
2.2.Рискларни бошқариш сиёсати ва чора-тадбирлар	50%		
3.Назорат амаллари			
3.1. Молиявий ҳисобот тайёрланиши	33,3%		
Даромадлар ва харажатлар	6,66%		
ТМЗ ва АВ ҳисоби	6,66%		
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	6,66%		
Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш	6,66%		
Солиқлар ҳисоби	6,66%		
3.2.Операцион фаолият	33,3%		
Режалаштириш ва иқтисодий таҳлил	4,16%		
Таъминот жараёни	4,16%		
Қарз жалб қилиш ва бериш	4,16%		
Инвестицион фаолият	4,16%		
Тарифлар	4,16%		
Мехнат муҳофазаси, атроф муҳитни муҳофaza қилиши	4,16%		
Ғазначилик	4,16%		
Ахборот технологиялари жараёнларини бошқариш	4,16%		
3.3. Қонунчилик талабларига риоя этиш	33,3%		
4.Ахборот ва коммуникация	100%	100%	
5.Мониторинг	100%	100%	

Ушбу методикага асосан 5 та компонент бўйича ички назорат тизимининг ўртача баҳоси аниқланади.

Ички назорат тизимини баҳолаш натижалари акс этган ҳисоботлар Аудит Кўмитаси ёки Кузатув Кенгашига тақдим этилиши керак. Ушбу ҳисоботда сўровномалар баҳолаш методикаси натижалари, аниқланган камчиликлар, ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялардан иборат бўлиши керак. Ҳисобот тасдиқланганидан сўнг ташкилотнинг ҳар бир ходимига етказилиши ва оммавий эълон қилиниши керак.

Ички назорат тизими бўйича камчиликлар аниқланганда ички аудиторлар томонидан кўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- 1) аниқланган камчиликлар сабаблари ва характеристини таҳлил қилиш;
- 2) зарур ҳолатларда қўшимча текширувни амалга ошириш;

3) аниқланган камчиликларни бартараф этиш режасини тузиш:

ички назорат тизими камчилиги ва унга мос рискни изоҳлаш;

камчиликни бартараф этиш чораларини аниқлаш;

камчиликни бартараф этиш бўйича масъул ходимни белгилаш;

камчиликни бартараф этиш муддатларини белгилаш.

4) камчиликни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

5) камчиликни бартараф этиш муддати тугагандан сўнг, қайта баҳолашни амалга ошириш.

¹⁰Муаллиф ишланмаси

Холоса ва таклифлар

Таъқидлаш мумкинки, ички назорат тизимининг самарали ташкил этилиши ва фаолият юритишида унинг доимий равишда баҳоланиб бориши муҳим аҳамият қасб этади. Ички назорат тизимининг доимий баҳоланиши унда мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этишга ёрдам беради. Ички назорат тизимини баҳолаш методининг ишлаб чиқилиши ва ички аудит хужжатларида акс эттирилиши уни оптималлаштириш билан бир қаторда ички аудиторлар ишини енгиллаштиради.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит методологиясини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги холосаларга келинди:

1. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлаш, акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг олдига қўйган мақсадларига эришища ички аудит хизмати муҳим роль йўнайди. Ички аудит хизмати ўзининг йиллик иш режасида белгиланган вазифаларни вижданан, объектив ва холисона бажариши орқали жамият фаолиятининг ривожланишига ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Костикова Л.В (2014). Банк России разграничили контрольные функции в кредитной организации "Внутренний контроль в кредитной организации", № 3, июль-сентябрь 2014 г
- Нуралиев Р.Т.(2023). Роль и значение корпоративного управления в совершенствовании управления государственными активами в узбекистане. "Экономика и социум" №4(107)-1 2023. Стр. 757-762
- (ПФ-4720, 2015). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720- сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси".
- Jonson J. "Improving Internal Audit in Corporate Governance: A Case Study." Journal of Business Ethics, 93(1), 85-96. (2010).
- Xansen K, Nilsen S. (2012). "The Role of Internal Audit in Corporate Governance: A Literature Review." Journal of Business Ethics, 107(3), 449-472
- Lee Yu. (2013). "Improving Internal Audit Effectiveness and Efficiency: A Case Study of a Large Corporation." International Journal of Business and Management, 8(11), 24-35.
- Lyuis, R. (2014). "Internal Audit Best Practices in Corporate Governance." Journal of Corporate Accounting & Finance, 25(5), 45-53
2. Мамлакатимизда амал қилиб турган норматив-хуқуқий хужжатларда ички аудит, ички аудитор тушунчаларига турли хил таърифлар берилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ички аудитор тушунчасининг такомиллашган таърифи шакллантирилди ва унинг норматив-хуқуқий хужжатларда акс этиши таъминланади.
3. Акциядорлик жамиятларида ички аудиторларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бироқ уларнинг сони бошқа давлатларга нисбатан солиштирганда жуда ҳам паст. Шу боисдан тадқиқотлар натижасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларга ички аудитор сертификатини олиш ва малака оширишда енгилликлар бериш таклиф этилди.
4. Акциядорлик жамиятларида бизнес жараёнларнинг амалга оширилиши доимо риск билан боғлиқ бўлади. Аслида тадбиркорлик фаолиятининг муҳим хусусиятларидан бири унинг рискка асосланишидир. Ички аудит хизмати ҳам ўз фаолияти давомида мазкур жиҳатларни инобатга олиши зарур. Шу боисдан акциядорлик жамиятларида рискка йўналтирилган ички аудитни ташкил этиш муҳим ҳисобланади.
9. Sanders, M., Short, D. (2015). "Internal Audit and Corporate Governance: A Meta-Analysis." Journal of Business Research, 68(12), 2587-2595.
10. (ЎРҚ-370, 2015). Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 06.05.2014 й.
11. Ахмаджонов К.Б (2016). Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. - Т.: 2016. - 76 б.
12. Ilhomov Sh.I.(2018) Audit. Darslik. - Т.: Iqtisodiyot, 2018. 22-6.
13. Каримов Н.Ф. (2006). Тижорат банкларида ички аудит. Монография. Т.: Фан, 2006., 80-б.
14. Меҳмонов С.У.(2018) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.-08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати.-Тошкент.-2018.6.31-32.; Меҳмонов С.У., Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари. Иқтисод ва молия. №10,2015.52-58 б.
15. Тўраев А.Н.(2019). Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитниташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати.-Т.:ТМИ, 2019 .-65 б.;
16. Рукин В.В (2009). Взаимосвязь внутреннего и внешнего аудита на современном предприятии. "Экономическое обозрение Дальневосточного региона", N 6 (112), июнь 2009 г.